

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
79-сонли БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда  
видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган  
масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2020 йил 28 сентябрь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2020 йил 6 октябрь

**ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.  
Жумладан:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар  
сонининг 100 фоизини ташкил этади.

**КУН ТАРТИБИ:**

7. ЎзРВБнинг 2019 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

**ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида  
ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги  
қарори қабул қилинди:**

**7.1. ЎзРВБнинг 2019 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш:**

1.1. ЎзРВБнинг 2019 йил якунларига кўра соф фойдасидан 85 фоизи, яъни  
**28 958 992 160 сўм** миқдоридаги пул маблағлари акциядорлар ўртасида дивиденд  
сифатида **иловага** мувофиқ тақсимлансин.

1.2. ЎзРВБнинг 2019 йил соф фойдасидан қолган 15 фоиз, яъни **5 110 402 500 сўм**  
миқдоридаги пул маблағлари ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш (жумладан, ЎзРВБ  
биносини реконструкция қилиш (таъмирлаш)) мақсадида ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

1.3. ЎзРВБнинг 2019 йил якунига кўра давлат улуши (Марказий банк улуши) бўйича дивиденд суммасидан давлат бюджетига ўтказилган тўловлар **иловага** мувофиқ маъқуллансин.

**2. Дивидендни тўлаш шакли ва тартиби:**

2.1. Дивидендларни тўлаш шакли – пул маблағларини ўтказиш йўли орқали.

2.2. Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2020 йил 29 сентябрь.

2.3. Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2020 йил 30 октябрь.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

Йиғилиш раиси

(имзо)

**Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби

(имзо)

**Б.З. Исраилов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор ўринбосари



**Б.З. Исраилов**

